



ЎЗБЕКИСТОНДА МҲХС АСОСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ризаев Нурбек Кадинович

– Тошкент Молия институти Бухгалтерия
ҳисоби кафедраси мудири, и.ф.д, профессори.

Хабижонов Салоҳиддин Кахрамонжон уғли –

Тошкент Молия институти магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда молиявий ҳисоботларни тақдим этишда халқаро стандартларга ўтиш тартиби ва шу орқали ҳисоботлардаги ҳақиқийликни, ишончлиликни таъминлаш, турли хил ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, даромадлар ва харажатлар таъсири ҳолислиги ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: Бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, халқаро стандартлар, даромад, харажат.

Аннотация.: В данной статье изложен порядок, в котором международные стандарты переходят на представление финансовой отчетности в стране, тем самым обеспечивая подлинность, достоверность отчетов, предотвращая различные нарушения, влияя на доходы и расходы.

Ключевые слова.: Бухгалтерский учет, финансовая отчетность, международные стандарты, доходы, расходы.


Annotation: This article outlines the order in which international standards are switched to presenting financial statements in the country, thereby ensuring the authenticity, reliability of reports, preventing various infringements, and affecting income and expenses.

Keywords: Accounting, financial statements, international standards, income, expenses.

Жаҳон иқтисодиётининг ўсиб бораётган глобаллашув жараёни молиявий ҳисобот учун меъёрларнинг бирлигини, яъни миллати ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар дунёнинг барча ишбилармонлари учун тушунарли бўлган "умуминсоний тил"ни талаб қилади.

МҲХСнинг ишлаб чиқиши барча компаниялар учун бир хил ва таққосланадиган бўлиши керак бўлган ягона бухгалтерия ҳисоби тизимини ва молиявий ҳисоботнинг стандарт шакллари яратиш зарурати билан боғлиқ.

Жаҳон фонд бозорларида фаолият кўрсатилаётган компаниялар учун МҲХСларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга, чунки йирик молиявий операциялар бўйича асосланган қарорлар қабул қилиш фақат МҲХС





томонидан тавсия этилган барча ҳисоб меъёрларини фойдаланган ҳолда таъминлаш мумкин.

Ўзбек бизнесининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун шарт-шароит яратиш учун халқаро иқтисодий алоқада бизнеснинг бутун дунёга тушунарли бўлган умумжаҳон тилини: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ўрганиш ва ундан фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистонда МҲХСнинг жорий этилиши маҳаллий компанияларга молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги ва ишончлилигини ошириш орқали хорижий инвесторларнинг ишончини ошириш имконини беради.

Шу муносабат билан ички ҳисоб тизимини МҲХСга мос келтириш зарурати туғилди.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.1994 йилдаги 433-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётида қўлланиладиган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш тўғрисидаги Давлат дастури”га асосланади.

Бухгалтерия ҳисоби ислоҳотининг асосий мақсади миллий бухгалтерия ҳисоб тизимини МҲХСга мослаштиришдан иборат. Ушбу мақсадга мувофиқ ислоҳотнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг умумий услубий асосларини қайта кўриб чиқиш ва уларни жаҳон амалиётида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг умумқабул қилинган тизимига мос келтириш;


- фойдаланувчиларга, биринчи навбатда, инвесторлар ва кредиторларга фойдали молиявий маълумотларни тақдим этувчи миллий бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот стандартлари тизимини шакллантириш;

- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни ислоҳ қилишнинг халқаро даражадаги стандартларни уйғунлаштиришнинг асосий йўналишлари билан алоқасини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларига миллий ҳисоб тизими ва молиявий ҳисоботнинг модернизация қилинган ва халқаро стандартларга яқин моделини тушуниш ва амалга оширишда услубий ёрдам кўрсатиш;

- халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув дастури асосида сифатли бухгалтер ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Давлат дастурида барча даражадаги таълим муассасалари учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот бўйича ўқув-услубий адабиётлар тайёрлаш ва чоп этиш; молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва халқаро бухгалтерия амалиётига мувофиқ таълим муассасалари профессор-





Ўқитувчиларини қайта тайёрлаш; бозор иқтисодиётини ҳозирги ривожланган даражасига мос юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари тематикаларига ўзгартиришлар киритиш мақсад қилиб кўйилган эди.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини янада ривожлантириш куйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган:

1) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тайёрланадиган ахборотлар сифатини ошириш;

2) МҲХСнинг фойдаланиш инфратузилмасини яратиш;

3) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш тизимига ўзгаришлар киритиш;


4) молиявий ҳисоботларнинг сифат назоратини мустаҳкамлаш;

5) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва юритиш, молиявий ҳисоботлар аудити, шунингдек молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар билан шуғулланувчи мутахассисларнинг сезиларли даражада малакасини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ислохотини амалга ошириш учун масъулиятли ваколатли орган бўлиб, корхоналар томонидан тўғридан-тўғри кўчириб олиш ёки ундан нусха олишга эмас, балки МҲХС талабларига мослаштирилган миллий ҳисоб стандартларини қўллашга қаратилган. Ҳозирги кунда мавжуд БҲМСларнинг тузилиши ва мазмуни халқаро стандартларга яқин ва яқинлашиш давом этмоқда.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси асосида Молия вазирлиги 1997 йилда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ЎЗР БҲМСни ишлаб чиқа бошлади. Уларнинг қабул қилиниши стандартлар томонидан тартибга солинадиган соҳадаги бир қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини берди, чунки БҲМС бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тартибга солишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, миллий стандартлар ҳар бир бухгалтерия объекти учун бухгалтерия ҳисоби тартибини кўриб чиқади, шунинг учун улар асосан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг услубий асосларини тўғри танлашни белгилаб беради. 2020 йил 1 январ ҳолатига Республикада 24 та миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари амал қилди (13 ва 18 стандартлар ҳали қабул қилинмаган).

МҲХС қўллаш инфраструктурасининг ташкил этилиши МҲХСни қўллаш тажрибасини умумлаштириш ва тарқатиш, МҲХСнинг ўзбек ва рустилларига расмий таржимаси ва МҲХС стандартларини таълим бериш орқали таъминланиши кўзда тутилган.





Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш тизимининг ўзгариши барча манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олувчи моделни яратиш, харажатларни камайтиришни ва тартибга солиш самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган.

Контсепцияни амалга оширишнинг биринчи босқичида қуйидагилар кўзда тутилган:

- ижтимоий аҳамиятга молик хўжалик юритувчи субъектларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини МҲХСга мажбурий таржима қилиш;

- МҲХС асосида индивидуал бухгалтерия ҳисоботининг ўзбек стандартлари асосий мажмуини яратиш;

- МҲХС қўллаш учун асосий инфратузилма элементларини яратиш;

- кадрларни, шу жумладан бухгалтерия ҳисоботларидан фойдаланувчиларни, тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.


Иккинчи босқичда қуйидагилар назарда тутилган:

- бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини МҲХСга мажбурий таржима қилиш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик касбини ривожлантириш ва тартибга солишда профессионал жамоат бирлашмаларининг ролини янада ошириш;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисоботлари оммалаштириллигини таъминлаш бўйича назорат тизимини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарорида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш, хорижий инвесторларни зарур ахборот билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари ушбу қарорда аксиядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021-йил 1-январдан бошлаб молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ҳамда молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилиши назарда тутилган. Шунингдек бу ҳаракатни юртимизда халқаро стандартларга ўтишдаги асосий қадамлардан бири бўлди десак муболаға бўлмайди.






Шу билан бирга молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини сифатли қўллаш учун ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассотсацияси - АССА) ва бошқалар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш каби мулоҳазали фикрлар кўриб чиқилган.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш мақсадида юртимиздаги ҳар бир молиявий операцияларни амалга оширишда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот” фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд “Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)”, “Сертификатланган дипломли бухгалтер (АССА)”, “Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CРА)” ва “Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (ДипИФР)” сертификатларидан бирига эга бухгалтерлар иштирокини таъминлаш илгари сурилган Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлари ҳақида сўз юритар эканмиз, бухгалтерия ҳисоби ва унинг вазифаси, молиявий ҳисобот ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Бухгалтерия ҳисоби маълум бир фирма ёки корхона тўғрисидаги молиявий маълумотларни ушбу фирма фаолиятига қизиқувчи фойдаланувчилар (инвестор, акционер, солиқ органлари)га ҳисобот шаклида етказиб берувчи тизим ҳисобланади. Унинг асосий мақсади ушбу фойдаланувчиларни маълумотга бўлган эҳтиёжини кам сарф-ҳаражат билан қондиришдир. Шу билан бирга фойдаланувчининг олган нафи кетган харажатлардан устун бўлиши лозим. Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг сифатини ошириш мақсадида унинг таркиби ва мазмунини ахборот фойдаланувчилар манфаатларига мувофиқлаштириш, ахборотларга ишлов бериш ва уларни узатишда энг илғор усул ва услублардан фойдаланиш, халқаро инструментлар ва стандартларини ҳамда МҲХСлар талабларига тўлиқ мувофиқ келадиган такомиллашган намунавий молиявий ҳисобот форматларини жорий қилиш кун тартибида турган масалалар ҳисобланади. Президент Қарорида қўйилган вазифаларни амалда ижросини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз:

Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида профессионал ташкилотларнинг МҲХС Кенгашига ҳамда Бухгалтерларнинг Халқаро Федерациясига аъзо бўлиш, уларга аъзолик бадалларини тўлаш, давлат даржасида ҳамкорлик олиб бориш, делегациялар алоқаларни ўрнатиш, Ўзбекистонда МҲХСларига ўтишни халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилишига эришиш лозим;





- МҲХСлари ва стандартларга интерпретацияларни ўзбек тилига расмий таржима қилиш, МҲХСлари Кенгаши томонидан ушбу МҲХСларнинг ўзбек тилидаги версияларини расмий тан олинишига эришиш;

-бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот ва аудит бўйича МҲХСлари талабларига жавоб берадиган ўзбек атамалар тўпламини яратиш, бунинг учун эса халқаро атамаларни қабул қилиш, уларни ўзбек тилига ўгириш ёки бошқа тилларга бир хил қабул қилинган атамаларни ўзгаришсиз қабул қилиш керак. Буни ишлаб чиқмасдан МҲХСларини профессионал даражада ўзбек тилига таржима қилишга эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса ваколатли ташкилотлар қошида профессионал бухгалтер ва аудиторлардан иборат Кенгаш тузилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз;

-мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа корхоналарнинг ихтиёрийлик асосида ўз ташаббуслари билан МҲХСлари асосида молиявий ҳисоботга ўтишларига эришишимиз лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзлари МҲХСларига ўтишда наф олишлари, унинг афзалликларини ҳис қилишлари лозим. МҲХСлар орқали инвестициявий жозибadorлигига эришиш йўли билан корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифа сифатида қаралиши лозим;

-МҲХСлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС)ни қайта таҳрирда ишлаб чиқиш лозим. МҲХСлари ва БҲМСлари ўртасидаги тафовутларга барҳам бериш керак. Имкон қадар мувофиқлаштириш керак. МҲХСларда мавжуд бўлган, лекин БҲМСлар таркибида бўлмаган стандартларни ҳам ишлаб чиқиш керак. Стандартларга интерпретациялар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш керак. Бухгалтерия ҳисоби бўйича бошқа қонун ости меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, жумладан Низомлар ва қоидаларни ҳам стандартларга айлантириш керак. Ўзбекистонда мукамал бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тизими шаклланиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби объектларни халқаро стандартларга ўтказиш борасида масалаларни тадқиқ қилиш битта мақола доирасида ҳал этиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611 сонли қарори

2.А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, Н.К.Ризаев, Н.М. Имамова – Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари / Дарслик – Т.: «МОЛИҲА», 2021 – 310 б

